ЧЎЛПОН МАРСИЯЛАРИДА ДАВР РУҲИ ТАЛҚИНИ

Ш. Ҳожиева

Мақолада Абдулҳамид Чўлпоннинг Гаспрали, Беҳбудий ва Горький сингари устозлари, Мулланур Воҳидов, Раҳматулла Султонов каби маслакдош дўстлари ҳамда шогирди Абдулла Алавийга бағишланган марсиялари таҳлил этилган. Марсияларнинг давр руҳи, шоир адабий давраси тасвиридаги ўрнига доир хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: *марсия, бадиий талқин, адабий давра, давр руҳи.*

В статье анализируются стихи Абдулхамида Чулпана, написанные в жанре марсия, которые поэт посвятил памяти своих наставников – Гаспринского, Бехбуди и Горького; друзей-единомышленников – Мулланура Вахидова, Рахматуллы Султанова, а также ученика Абдуллы Алави. Сделаны выводы о месте жанра марсия в отражении духа эпохи и литературной среды поэта.

Ключевые слова: *марсия (элегия), художественное толкование, литературная среда, дух эпохи.*

The article analyzes poems written in the marcia genre by a prominent figure of Jadid literature Abdulhamid Chulpan, devoted to such mentors as Gasprali, Behbudi and Gorky, to his friends like Mullanur Vakhidov, Rakhmatulla Sultanov and to his pupil Abdulla Avlaniy. Conclusions are also made about the place of the marcia genre in depicting the spirit of the era and the literary environment of the poet.

Keywords:*marsiya (elegy), artistic interpretation, literary environment, the spirit of the era.*

Ўтган аср аввалида жадид адабиёти намояндалари мумтоз адабий анъаналарни янгилаш йўлидан боргани маълум. Улар поэтик мазмун ва шаклда ҳам, поэтик образларда ҳам янгиликка интилди. Жумладан, дастлаб халқ оғзаки ижодида шаклланиб, ёзма адабиётга кўчган марсия жанрида ҳам ана шундай ўзига хосликка интилиш сезилади.

Мумтоз адабиётда марсиялар подшоҳларга, яқин қариндошларга бағишланган. Жадид шеърияти намояндалари марсиянинг мазмунида ҳам, композициясида ҳам ўзгариш қилгани кузатилади. Чўлпон марсиялари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ис-

моилбек Гаспиринский, Максим Горький, Абдулла Алавий, Мулланур Воҳидов каби даврнинг машҳур адабий сиймоларига бағишлангани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

“Марсия (арабча – йиғламоқ, аза тутмоқ, ачинмоқ) – бирор кишининг вафоти муносабати билан, унинг фазилатларини эътироф этиш, вафотидан афсусланиш мазмунида ёзиладиган лирик жанр. Адабиёт тарихида шоирнинг бирор яқин кишиси, қариндоши, оила аъзоси вафоти муносабати билан ёзилган марсиялар билан бир қаторда, шоҳлар ва амалдорлар, устозлар вафотига атаб ёзилган марсиялар ҳам кўп учрайди” [1.161]. Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида Одам Атонинг ўғли Ҳобил вафотига атаб ёзган марсияси келтирилган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги Алп Эр Тўнга марсияси ушбу жанр ёзма адабиётга халқ оғзаки ижоди орқали кириб келганини кўрсатади.

Чўлпоннинг “Маърифатпарвар бобомиз Исмоил Гаспиринский ҳазратлари ҳақинда таъзияномамиз” номли марсияси туркий халқлар жадидчилик ҳаракатининг асосчисига бағишланган. Ҳаётини туркий халқларни бирлаштириш, дунёнинг мутараққий миллатлари даражасига юксалтиришдек муқаддас ишга бағишлаган бу улуғ маърифатпарварни Туркистоннинг бошқа жадидлари сингари Чўлпон ҳам чуқур ҳурмат қилган. 1913 йили 15 ёшли ўспирин Абдулҳамид “Таржимон” газетасига мактуб йўллаган. Газетанинг 1913 йил 27 ноябрдаги 251-сонида Чўлпон мактуби газетада босилиши баробарида муҳаррирнинг унга жавоби ҳам чоп этилган. Гаспрали жавобидаги “биздан даҳа гўзал сўйладиги” деган сўзлар навқирон ижодкор истеъдодининг ўзига хос эътирофи ва, ўз навбатида, устоз-шогирд мулоқотларининг бошланиши эди. Устознинг олтинга тенг ўгитлари, жумладан, “Адабиёт ўта ёнмаз, сува ботмаз. Локин ёндиронлари ёндирир, ботиронлари ботирир; сува дагил, чўмира, балчиқа ботирир!” деган сўзлари ёш Чўлпоннинг ижод йўлини белгилашида дастуруламал бўлган. Шунинг учун ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудий таъбири билан айтганда, “Русиядаги бутун турк-татар халқларини жуда оз тарихий муддатда хайр-хўшлик йўли билан яхлит бир миллий оилага бирлаштирмоққа ноил бўлган” [2.162] бу алломанинг вафоти шоир қалбида ададсиз изтироб уйғотган. Унинг ўчмас хотирасига бўлган эҳтиромини Чўлпон қуйидагича ифода этади:

Муттакои аҳли ислом эрдингиз,
Миллатимиз йўлида жон эрдингиз.
Эй бизи уйғотгучи устодимиз,
Ифтихори равнақи исломимиз.

Шоир устозини “муттакои аҳли ислом”, “бизи уйғотғучи устод”, “ифтихори равнақи ислом”, дея таърифлайди. Миллат фидойиси бўлган бу улуғ сиймонинг “эскиларни тор-мор қилган”и ҳақида ёзар экан, бу орқали мактаб-маорифни, ўқитиш тизимини мутлақ янгилагани, миллий матбуотни йўлга қўйгани, миллат ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ этишга бор билими ва салоҳиятини сафарбар этгани назарда тутилади. Афсуски, ажал олтмиш беш ёшида Исмоилбек Гаспиринскийни ўз домига тортди:

Эскиларни қилдингизким тор-мор,
Жойингиз жаннатда бўлсун барқарор.
Олтмиш бешда сиза етти ажал,
Бу ажал нўш этказубдур бемаҳал.

Марсия 1914 йил “Садои Фарғона” газетасининг 24 сентябрь сонида “Андижон. 16 ёшлик талаба” имзоси билан эълон қилинган. Ушбу шеър орқали Абдулҳамид Чўлпоннинг дастлабки ижод намуналари “Ҳамидий” тахаллуси билан имзолангани англашилади.

Чўлпон Туркистон жадидчилик ҳаракати асосчиси, драматург, шоир ва ношир Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасига ҳам марсия бағишлади. Марсия шоирнинг дастлаб “Булоқлар”, сўнгра “Яна олдим созимни” тўпламларида чоп этилган. Мураббаъ жанрида ёзилган ушбу марсияда Беҳбудийнинг пок хотираси улуғланган. Шоир вафотидан таъсирланган Чўлпон унинг қабрини излаб, у яшаган “гул ўрнига заҳартилар” муҳитда “оқ каллалик қора дев” билан олишмоққа ожизлигидан афсус-надоматлар чекади. Марсияда ўзини Беҳбудийнинг издоши деб санаган, унинг пок руҳи олдидаги масъулиятни теран ҳис этган Чўлпон устозига муносиб бўлишга шай эканини алоҳида уқтиради. Бамисоли устози каби шеърият осмонида юлдуз бўлиб, ярқираб нур сочиш ҳақидаги орзусини қуйидагича талқин этади:

Шунинг учун юлдуз каби ярқираб
Элда қолган исминг билан турамен.
Шул исмни эслаб чизган йўлингдан
Йироқ кетмай, қимирламай юрамен.

Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг
Мотам гули эканини билмайсен.
Шодлик гули кўпдан бери сўлганин
Ер остида пок руҳинг-ла сезмайсен [3.62].

Юқоридаги байтни шарҳлар экан, чўлпоншунос Нормат Йўлдошев шундай ёзади: “Гул–тимсол сифатида табиат ва инсон руҳиятидаги уйғунлик, илоҳий бирлик моҳиятини ташкил этса-да, юқоридаги парчаларда полифоник хусу-

сиятидан ташқари, давр фожиаларини ёритишда муҳим восита бўлиб келган” [4.45]. Дарҳақиқат, шоир қўлидаги гулларнинг “мотам гули” экани, “шодлик гули кўпдан бери сўлған”и тасвири замирида миллатнинг тараққий боғи хазонга айланиши жараёни ифодаланганки, бундай талқин марсиядаги изтироб оҳангини кучайтиришга хизмат қилган.

Чўлпон “Икки йўқотиш” мақоласида ҳам “Маҳмудхўжа отамиз садаф доналарининг имоми бўлиб кетдилар”, - дея ўкинч билан таъкидлаб ўтган. Беҳбудийнинг фожиали ўлимидан нафақат Чўлпон, балки бутун Туркистон таъсирланган. Бу ҳақда 1920 йил Самарқандда чоп этилган “Меҳнаткашлар товуши” газетасидаги мақолада шундай дейилган: “Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон деган ўлканинг бошлиғи эди. Маҳмудхўжа Туркистоннинг йўлбошчиси эди. Маҳмудхўжа ўзининг Туркистон боласи эканини тушунган бир йигит эди. Шунинг учун у бизга, Туркистонга ҳар нарса эди... Маҳмудхўжа Туркистоннинг янгилик даври тарихига ёруғ бир чароғ эди. Маҳмудхўжанинг оти Туркистон тарихига зийнатлик мумтоз ўринни олишга муносиб бир отдир” [5.26].

Чўлпоннинг татар маърифатпарвар шоири Мулланур Воҳидов (1885 – 1918) вафоти муносабати билан 1918 йилда ёзган “Шарқ нури” марсияси дастлаб “Ўзбек ёш шоирлари”, сўнгра “Яна олдим созимни” каби тўпламларида чоп этилган. Жадидшунос олим Бегали Қосимовнинг ёзишича: “Заки Валидий унинг 1917 – 1918 йилларда сиёсий ишлар билан ҳам шуғулланганини, жумладан, Оренбургда Бошқирдистон ҳукумати раисининг котиби лавозимида ишлаганини маълум қилади. Иккинчи бир ўринда “Туркистон ҳукумат аъзоларидан Убайдулла Хўжа ва сафдошлари Мирмуҳсин, шоир Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), Бухороли Абдулҳамид Ориф ўғли шу пайтларда (1918 йил ёзи кўзда тутилади) Бошқирдистонда ишладилар”, деб ёзади. Бу маълумотни Бошқирдистон ҳукумати раҳбарининг ўзи келтираётган экан, у ҳар қандай шубҳадан холидир” [6.430]. Устоз олимнинг таъкидлашича, Чўлпон машҳур татар ҳурриятпарвари Мулланур Воҳидов ўлимига бағишланган шеърни ана шу кезларда ёзган.

Шеърда ўз бошли – мустақил ҳолда ер юзида беқиёс маданиятга асос солган гўзал Шарқнинг сўнг замонларда ёвлар панжасида кўз ёшли ҳолга тушганидан ўкиниш туйғуси бадиий талқин этилган:

Бир замонлар ер юзинда ўз бошли
Улуғ, шонли маданият туғдирган.
У гўзал Шарқ, ширин тупроқ сўнг замон
Бўлди четлар панжасида кўзёшли...

Мулланур Воҳидовнинг вафоти ёш Чўлпонга қаттиқ таъсир қилган. Марсиянинг ҳар бир сатридан бу маърифатпарварга нисбатан чуқур меҳр туйғуси сезилиб туради. Шоир унинг руҳи шарқсуяр эканига алоҳида урғу беради. Шарқнинг уни суйиши сабабини ҳам шунинг билан изоҳлайди. Бу маърифат фидойиси ва Шарқ тушунчалари бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлайди:

Кун ҳам Шарқдан, ой ҳам Шарқдан чиқадир,
Бироқ бир сен Ғарбда чиқдинг ва ботдинг;
Шунинг учун меним шарқлик руҳимда
Ажиб мудҳиш, қўрқунч туйғу уйғотдинг.

Чўлпон яқин дўсти ва шогирди Абдулла Алавийга атаб ҳам марсия ёзган. Абдулла Алавий ўзбек мумтоз адабиёти, адабиёт назарияси билимдони сифатида теран илмий мақолалар, шу билан бирга, янги давр руҳи сингдирилган лирик шеърлари билан ўтган асрнинг 20-йиллари ўзбек шеъриятида ўзига хос ўрин тутади. Чўлпон тилга ипакдек кўйлак кийдирган бу ижодкор асарларида она тилимиз бутун жозибаси билан намоён бўлганини ифодалар экан, унинг вафоти боис бутун бир элнинг мулойим шеваси ерга кўмилганини ҳис этиб, чуқур изтироб чекади:

Эй улвий йўлдошим, юмшоқ тилингни
Ўлимнинг омонсиз панжаси олди.
Мен сендан айрилдим, шу ондан бошлаб
Тилимда сўз деган нарса йўқолди...

Мадраса таҳсилини олган, араб, форс ва турк тилларининг билимдони бўлган Абдулла Алавий, академик Наим Каримовнинг ёзишича, 1922 – 1923 йилларда илм ўчоғи бўлган Ленинградга ўқишга бориб, Жонли Шарқ тиллари институтида ўзбек тилидан машғулотлар ҳам олиб борган. Ўша даврда у рус шарқшунослик илмининг В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, К.Н.Юдахин сингари машҳур намояндалари билан танишади [5.26].

Шоир шеърларида устозининг назмий асарларидаги каби изтироб эмас, аксар некбинлик кузатилса-да, чўлпонона руҳ, туйғуларнинг чўлпонона тўфони яққол бўй кўрсатиб туради. Шеърларида замон руҳи бетакрор бадиият билан ифодаланган Абдулла Алавийни Чўлпон “тилга ипакдек кўйлак кийгизган шоир” сифатида таърифлайди:

Сен тилга ипакдек кўйлак кийгиздинг,
Йўқ, дўстим, у кўйлак битмасдан қолди.
Мен сендан айрилдим, шу ондан бошлаб
Айрилиқ тилимга калолат солди [3.278].

Абдулла Алавийнинг онаси Ҳабибахоним ҳам ўғлининг эрта вафотидан қайғуга ботиб, ғазал-марсия битган. Чўлпон худди шу ғазалга тахмис боғлаб, ўн бир бандли мухаммас ёзади. Мухаммасда ғаддор фалакнинг жабру жафоси тугамаслиги, ўлим чангалидан ҳеч ким қочиб қутула олмаслиги айтилади. Мухаммас-марсия мазмунидан Абдулла Алавий вафоти Чўлпон руҳиятига қанчалар кучли таъсир кўрсатгани аён бўлади. *“Туфроғи анинг сурма-ю, қабри ватанимдур, Ўлсам-да қовушсам – менга шул биргина тадбир”* деган сўзлари бунинг исботидир. Негаки, шоир таъбирича: *“Чўлпон қошида ой эди ҳам кун эди ул бир”.* Чўлпоннинг дарду аламга йўғрилган бу мисралари жигарбандидан айрилган онаизор Ҳабибахонимнинг кўнгил ноласига чуқур мантиқ, қуюқ руҳий тасвир орқали боғланиб кетган.

Чўлпон рус ёзувчиси Максим Горький вафоти муносабати билан ҳам марсия ёзган. Маълумки, бу икки ижодкор шахсан кўришган. “Она” романини ўзбек тилига таржима қилган Чўлпон “Катта мактаб эгаси”, “Устоднинг хислатлари” сингари мақолаларида Горький билан ўзаро мулоқотлари, ёзувчи ижодидан таъсирланган ҳақида қимматли маълумотларни беради. Наср тилини “тарашлаш”-ни (Чўлпон таъбири) улуғ рус адибидан ўргангани, “Она” романи таржимаси ўзи учун маҳорат мактаби бўлганини алоҳида таъкидлайди. Ёзувчига “буюк устоз” дея мурожаат этиши сабаби шунда. Максим Горькийга бўлган ҳурматини Чўлпон марсияда қуйидагича изҳор этади:

Яхши бор, бизни етим қўйган буюк устозимиз!
Яхши борким, сендан олгай руҳини ижодимиз.
Сен ўзинг кўрдингки, турмуш чиркидан топдик нажот,
Энди биз эркин Ватан, юксак Ватан авлодимиз.

Маълум бўладики, марсияларда нафақат шоирнинг маълум бир ижодкорлар билан ўзаро муносабати ёки ижодий таъсир масалалари, балки асарлари биографияси ҳам акс этган. Чўлпоннинг “Она” романи таржимаси билан боғлиқ фикрлари бунинг исботидир. Бадиий таржима, ўз навбатида, шоирнинг рус адабиёти тажрибаларини ўрганишида муҳим ўрин тутган, ижодий камолотига хизмат қилган. Горькийга бағишланган марсия ана шундай биографик ва адабий-эстетик омиллар таъсирида яратилган, дейиш мумкин.

Чўлпоннинг 1921 йилда атоқли адабиётшунос Иззат Султоннинг акаси Раҳматулла Султонов хотирасига бағишлаб ёзган “Кеттинг” сарлавҳали марсияси унинг “Булоқлар”, кейинчалик “Яна олдим созимни” тўпламларида учрайди. Дўстининг вафотидан қаттиқ таъсирланган Чўлпон унинг йўқлик денгизи сари кетишига ҳали жуда эрта эканини таъкидлаб, йўлдошидан айрилгани учун афсус-надомат чекади:

Йўлдошим, зим-зиё бўлдинг-да, кеттинг,
Бор эдинг, йўқолдинг, ўлдинг-да, кеттинг,
Гул эдинг, очилмай сўлдинг-да, кеттинг,
Йўқлик денгизига тўлдинг-да, кеттинг.

Марсия бағишланган сиймолар: Гаспрали, Беҳбудий ва Горький – Чўлпоннинг устозлари, Мулланур Воҳидов, Раҳматулла Султонов – маслакдош дўстлари, Абдулла Алавий яқин шогирди эди. Улар шоир ҳаётида, қалбида ёрқин из қолдирган сиймолар бўлган. Демак, марсия шунчаки айрилиқ аламларини, дарду изтиробни ифодалабгина қолмайди. Бу жанр шоир яшаган ижтимоий муҳитни чуқурроқ англаш имконини беради. Ижодкорнинг адабий давраси, замондош шоиру адиблар билан ўзаро муносабатлари доирасини аниқлашга ёрдам беради. Шоир ижодий биографияси, маънавий-руҳий олами ҳақидаги мавжуд тасаввурни бойитади. Чўлпон марсияларини ўрганиш ана шундай аҳамиятли хулосаларга олиб келади.

Адабиётлар:

1. Қуронов Д., Мамажонов М., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 397 б.
2. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 400 б.
3. Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. I жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. –360 б.
4. Йўлдошев Н. Чўлпон шеъриятида пейзаж. Филол.фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 1994.
5. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2008.
6. Қосимов Б, Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти – Тошкент: Маънавият, 2004. – 462 бет.

Андижон давлат университети,
2019 йил 15 январда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Д.Абдуллаева)